

Муболага араб тилида «катталаштириш», «кучайтириш» маъносини билдириб, адабий асарда тасвирланаётган бадий тимсол холати ёки харакатини бўрттириб, кучайтириб ифодалаш санъати демакдир. Бу хил тасвирда бадий тимсол хусусиятлари якколрок намоён бўлади, ўқувчи кўзи олдида ёркинрок гавдаланади. Алишер Навоийнинг

Мехр эмас, охим ўтидин кўкка етмиш бир шарар
Айб эмастур гар десам: «Дам урсам афлок ўртанур»

байтида ошикнинг севгилиси хажрида чеккан изтироблари гоятда кучайтириб тасвирланган: кўкдаги куёш ошик ерда чеккан ох ўтининг бир учкуни эмиш. Бу хил бўрттирилган тасвир туфайли ошик киёфаси, рухий холати, ички олами, калбида мавж урган эхтирослари таъсирчан, жозибали ифодаланган. Ўқувчи албатта бу хил тасвирнинг шартли эканини хис этади, унинг воситасида ёридан айрилган инсон кечинмаларининг энг юкори даражасини аклан англайди ҳамда ошик калбининг изтироблари хакикатан ҳам ниhoят даражада кучли эканига ишонч хосил килади.

Муболага таблиг, игрок, гулувв деб аталган уч турга бўлинади.

Таблиг аклан ишониш мумкин бўлган, хаётда ҳам юз бериши мумкин бўлган муболагадир. Алишер Навоийнинг «Келмади» радифли газалидаги

Кеча келгумдур дебон ул сарви гулрў келмади,
Кўзларимга кеча тонг откунча уйку келмади

байтининг иккинчи мисрасида шу хикдаги муболага кўлланган. Зеро, висол ваъдасини берган гўзалнинг келмагани окибатида ошикнинг кечаси билан ухламай чикиши оддий хаётий воқеа бўлмай, муболагали тасвирдир, чунки шундай холларда ҳамма ошиклар ҳам ухламай чиқадилар, дейиш хато бўлурди. Лекин бу муболагали тасвирни, яъни ошикнинг туни билан ухламай чикишини аклан тасаввур ҳам килиш мумкин, бундай ходисалар оз бўлса-да, хаётда юз бериб туради. Хаёт воқелигини шу тарзда бироз бўрттириб тасвирлаш муболаганинг таблиг деб аталмиш биринчи даражаси хисобланади.

Муболаганинг иккинчи даражаси **игрок** деб аталади. Игрок белги ёки харакатни аклан ишониш мумкин бўлса ҳам, хаётда юз бериши мумкин бўлмаган тарзда кучайтириб тас-вирлаш демакдир. «Фарход ва Ширин» достонида Шириннинг оти оёқлари чирмашиб йикилай деганда, Фарход бориб отни кўтариб олиши воқеаси тасвирланади. Шоир ёзишича:

Чу ошик онглади килгоч тааммул,
Ки елдин тушкудекдур ер уза гул.
Ер ўпмакликка мажнундек ҳам ўлди,
Куёш остида гардундек ҳам ўлди.
Кўтарди оркасига бодпони,
Нечукким бодпо ул дилрабони.

...Чу икки-уч йигоч гом урди шайдо,
Бўлуб олинда касру хавз пайдо,
Кадамни кўйди каср айвони сори,
Саломат рахши бирла шахсувори.

Фарходнинг 1,5—2 км йўлни от ва Ширинни кўтарган холда босиб ўтишини аклан кабул килиш мумкин бўлса ҳам, бундай воқеанинг хаётда юз бериши мумкин эмаслиги кўзга ташланиб турибди. Бинобарин, Навоий бу ўринда муболаганинг игрок деб аталган иккинчи даражасига мурожаат килган экан.

Муболаганинг учинчи даражаси гулувв деб аталади. Акл ҳам бовар килмайдиган, хаётда ҳам юз бериши мумкин бўлмайдиган тарзда тасвирлаш шундай санъат саналади.

Шоир муайян белги, холат ёки харакатларни шу хил тасвирлар экан, уларга ишонтириш максadini кўзламайди, албатта. Аммо бу хил бадий манзаралар тасвирланаётган белги, холат ёки харакатнинг энг юкори даражаси хакида тасаввур хосил кила олади, тасвирнинг ноёблиги эса ўқувчига эстетик завк багишлайди. Шунинг учун шоирлар бу хил муболагадан кенг фойдаланганлар.

Алишер Навоийнинг

Хар кизил гулким, юзунг шавкида олиб исладим,
Етказ охим шуъласи они сариг гул айладим

байтига диққат этсак, унда гулувв кўлланганига ишонч хосил киламиз. Зеро, шоир тасвирича, ошик ўз севгилисининг кизил юзини соғиниб кизил гулни олиб хидлар экан, охи шуъласидан у сариг гулга айланибди. Тасвирланаётган ушбу ходисани аклан ҳам кабул килолмаймиз, яъни кизил гул-нинг инсон охи билан сариг гулга айланишига аклимиз бовар килмайди ҳам, бу хил ходиса хаётда юз бериши мумкин ҳам эмас. Аммо лирик кахрамон холатини шу тарзда бўрттириб тасвирлаган шоир ўқувчини ошик кечинмаларининг на-кадар кучли эканига ишонттира олади, хаётий бўлмаган хо-диса ҳам унинг тасаввурида хакикатга айлангандек бўлади.

"Шеър санъатини биласизми?" китобидан